Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 май сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 106 (2934)

# ЯПОН ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ

***Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ, япониялик машҳур археолог Кюдзо Като "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Олимнинг халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижда тарғиб этишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ана шундай муносиб тақдирланди.***

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида муборак 8О ёшини қаршилаган олимга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотини тантанали топшириш маросими бўлди. Бу ерда К.Като қаламига мансуб асарлар ҳамда ўзбек-япон илмий ҳамкорлиги самараларини намойиш этувчи махсус кўргазма ҳам ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кюдзо Катони мамлакатимизнинг юксак ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди. У кунчиқар юртнинг машҳур қадимшунос олимига Ватанимизнинг ушбу мукофотини топширар экан, ўзбек ва япон халқлари маданияти, маънавияти, турмуш тарзида ўзаро муштарак жиҳатлар кўп эканини таъкидлади. Мустақиллик шарофати туфайли икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Япониянинг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним, таниқли археолог олим Эдвард Ртвеладзе, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қувондиқ Мадартов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда илм-фан ва маданият тараққиётига улкан эътибор натижаси ўлароқ, юртимиз тарихи, маданияти ва санъатига жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бунга Кюдзо Катонинг Ўзбекистон заминида олиб бораётган узоқ йиллик самарали илмий фаолияти яққол мисол бўла олади.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов менинг камтарона меҳнатимни шундай юксак қадрлаганидан беҳад мамнунман, — деди Кюдзо Като. — Шу сабаб ўзбек халқига, унинг Йўлбошчисига таъзим қиламан. Йигирма биринчи юз йиллик барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлишига ишонаман. Зеро, менга топширилган ушбу орден тимсолида ҳам ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Юртингизга илк бор бундан қирқ йил муқаддам келган эдим. Бироқ бугунги мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти, халқингизнинг юксак руҳи ва бунёдкорлик салоҳияти барчани ҳайратга солмоқда.



Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# Ғаллакорлар ўримга шай!





***Бу йил Ховос тумани ғаллакорлари 13 минг тонна дон етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилдилар. Бунинг самараси бугун кўзга яққол ташланмоқда: мавжуд 5110 гектар майдондаги ғалла экини текис бошоқлади.***

*Мавсумни қисқа муддатда, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида эса туман машина-трактор парки ишчи-хизматчилари 7 та «Кейс», 9 та Россия комбайни, шунингдек, 92 транспорт воситасини сифатли таъмирдан чиқардилар. Уларнинг ҳаммаси махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинди.*

**СУРАТЛАРДА: шу тумандаги «Фарҳод» ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси Анорхон Очилова 10 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштирмоқчи; тажрибали комбайнчи Отақул Жўрабоев.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

***Халқимизнинг буюк афсонавий қаҳрамони Алпомиш юрти — Бойсун катта байрам арафасида. Маълумки, фусункор Бойсунтоғ бағрида жойлашган бу юрт ЮНЕСКО томонидан "Инсоният оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари"ни сақлаб қолган дунёдаги 19 та минтақа сафига киритилган.***

# Қадр топган миллий мерос

Шу муносабат билан ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси Бойсун туманида "Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивалини ўтказиш тўғрисида таклиф билан чиққан эди.

Шундан кейин фестивални юксак савияда ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши эълон қилинди. Унда халқимизнинг асрлар оша ривожланиб келаётган маданий меросини қадрлаш ва айни пайтда уни жаҳонга танитиш — фестивалнинг асосий мақсади эканлиги таъкидланади.

Шу йилнинг 23-28 май кунлари халқаро миқёсда нишонланадиган мазкур санъат байрами асосан халқ мусиқаси ижрочилиги, бахшилар, фольклор-этнографик дасталар, маҳаллий аҳолининг ўзига хос шарқона либослари дизайни кўриги йўналишларида ўтади.

Бойсунликларнинг маданияти, урф-одатлари, осори-атиқалари, ранг-баранг шеваси халқимиз маънавиятининг ажралмас бир бўлаги сифатида яшаб келмоқда.

Ўзлигини англаган ҳар бир халқ, элат, уруғ тили, дини, урф-одатини, ўтмишини, моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлайди. Ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам уни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Бойсун аҳли бу ердан турли томонлар сари йўл олган карвону сарбонлар билан доимий мулоқотда бўлган.

"Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивали нафақат бойсунликлар, балки бутун халқимизнинг юксак маданияти ва маънавияти намойишидир.

**Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.**

*Олий Мажлисда*

# БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАС

## тўйимли озуқа бўлмас экан, тоза насл олиш ҳам мушкул

***Кеча Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросини муҳокама қилганида ана шундай хулосага келинди. Тўғри, вилоятда наслчилик борасида ўзгаришлар қилишга ҳаракат қилинаяпти. Айрим ютуқлар ва муваффақиятлар ҳам қўлга киритилаётгани ҳақиқатдан йироқ эмас. Масалан, наслчилик хўжаликларида қорамоллар сони, оз миқдорда бўлса-да, кўпайган. Сут соғиб олиш даражаси республикадаги умумий кўрсаткичдан кам эмас... Лекин ушбу соҳада камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, наслли мол сотиш 2001 йилда 1997 йилдагига нисбатан кескин камайган. Ёки «Чорванаслхизмат» жамиятининг рухсатисиз наслли молларни сотиб юбориш ҳоллари учрамоқда. Наслли бузоқ олиш амалда 2860 бошга камайган. Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигидаги айғирларни наслдорлари билан алмаштириш талаб даражасида эмас.***

Йиғилишда камчилик ва муаммоларнинг сабаблари изланди. Бунинг жуда кўп омиллари бўлиши табиий. Лекин озуқа билан таъминланиш омили асосий сабаблардан бири сифатида кўрсатилди. «Бўш қоп тик турмас», деганларидек, яхши наслга тўйимли озуқа ҳам керак бўлади. Вилоятда эса айни шу масалада талай камчиликлар мавжуд. Масалан, вилоят наслчилик хўжаликларида ҳар бир молга ўртача 0,5 гектар озуқа майдони тўғри келади. Айрим хўжаликларда бундан ҳам паст даражада. Устига устак, ажратилган ердан самарали фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Ҳосилдорлик йилдан йилга пасайиб кетаяпти. Бундан ташқари, ҳар бош молга бир тоннадан пахта шроти ажратилиши белгиланган бўлса-да, бу кўрсаткич амалда бажарилаётгани йўқ. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси паррандачилик учун 12 хил озуқа рецепти ишлаб чиқариши лозим эди. Лекин корпорацияда ҳанузгача бу тавсияга амал қилинаётгани йўқ. Чорва моллари учун омухта ем ўрнига сифат жиҳатидан стандарт талабларга жавоб бермайдиган аралаш озуқалар ишлаб чиқарилмоқда. Чиноз туманидаги Япония технологияси асосида қурилган балиқлар учун омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона завод ҳам бугунги кунда маҳсулот бермаяпти. Ишлаб чиқарилаётган омухта ем таркибидаги энг зарур бўлган протеин 23 фоиз ўрнига 13 фоизни ташкил этаяпти. Бундай ҳолатда қандай қилиб наслдор балиқлар маҳсулдорлигини кўпайтириш мумкин? Балиқнинг нархи мол ёки қўй гўштиникидан қолишмаётгани сабабларини балки ана шу ердан излаш лозимдир. Бу ҳам етмаганидек, чет давлатлардан зотдор балиқларнинг уруғини олиб келиш тўхтатиб қўйилган.

Йиғилишда бу борада республика миқёсидаги муаммо ва камчиликлар ҳам тилга олинди. Кўплаб саволлар пайдо бўлди: наслчилик хўжаликлари сонини кўпайтириш ортидан қувиш шартмикин? Асл зотларни қандай қилиб сақлаб қолиш мумкин? Сон кетидан қувиб, тоза наслни унутиб қўймаяпмизми? Наслчилик хўжаликларида сақланаётган ҳамма чорва моллари ҳам аслида зотдорми? Бунинг компьютерлаштирилган аниқ саноғини ишлаб чиқиш лозиммасмикан? Бу соҳада давлат дастури тайёрлаш мавриди келмадимикин?..

Йиғилишда, шунингдек, наслчилик хўжаликларини олий маълумотли мутахассислар билан етарли даражада таъминланмагани ҳам асосий омиллардан бири сифатида кўрсатилди ва мутасадди идораларга камчиликларни тузатиш учун тавсиялар берилди.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Халқаро анжуман

Эртага Ўзбекистон Почта ва коммуникациялар агентлиги ҳамда НАТОнинг фан ва атроф-муҳит ишлари бўйича департаменти ҳамкорлигида «Қуёш — шамоллатиш гибрид тизимларидан самарали фойдаланиш» мавзуида халқаро анжуман ўз ишини бошлайди. Унда НАТОнинг фан, атроф-муҳит ва технологиялар бўйича дастури директори Алан Жюбер ва қайта тикланадиган энергия бўйича Бутунжаҳон ҳамжамиятининг бош директори Али Сайихнинг иштироки кутилмоқда.

# Фахрийлар сийланди

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси бир гуруҳ фахрийлар, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган хизматчиларнинг оила аъзоларини бир пиёла чойга таклиф қилдилар. Таклиф этилганлар Сурхон заминининг табаррук қадамжолари — Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдорота мақбараларини зиёрат қилдилар. Ўтганлар ёдга олинди. Тадбир сўнгида таклиф этилганларга божхона бошқармаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**«Туркистон-пресс».**

*Ташаббус сўнмасин!*

# Плёнка остида... пилла



***Бу йилги об-ҳаво шароити нафақат деҳқонларни, балки чорвадору пиллакорларни ҳам омилкорлик билан иш юритишга даъват этмоқда. Нисбатан қисқа фурсатда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш чораларини қидиришга мажбур қилмоқда.***

Бу борада, айниқса, Жиззах тумани пиллакорларининг тажрибаси диққатга сазовор. Улар 600 қути ипак куртини плёнка остида парваришлашни йўлга қўйдилар.

Туман бўйича жорий мавсумда камида 100 тонна қимматбаҳо хомашё етиштириш кўзда тутилаётганини эътиборга олсак, янги усулнинг аҳамияти катталигини англаш қийин эмас. Ҳақиқатан ҳам, уни қўллаган пиллакорлар вилоятда биринчилардан бўлиб ҳосилни топширишга киришдилар. Хусусан, Ш. Рашидов номидаги хўжаликнинг пиллакори Гулсара Исломова ҳар қути қурт уруғидан режадагига нисбатан 7 килограмм кўп «кумуш тола» йиғиштириб олди.

— Одатдаги усулда дастлабки уч уйқуда қуртларга 9-10 мартадан барг солинса, плёнка остида бу жараённи атиги 3-4 марта қайтариш кифоя, — дейди Гулсара Исломова. — Чунки плёнка остида нам, баргнинг тўйимлилиги яхши сақланиб, ҳароратнинг бир хиллиги таъминланади. Ипак қурти хоҳлаган пайтида озиқланиб, тез ривожланади. Энг муҳими, у ҳафта-ўн кун олдин ипак ўрай бошлайди.

Тажриба натижалари атрофлича таҳлил этилгач, туман пиллакорлари келгуси йилдан тўласинча шу усулга ўтишни мўжаллаб туришибди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Минитех — 2002» — Элликқалъада

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, бозор инфратузилмасига кирувчи бошқа қатор субъектлар томонидан ташкил этилган кичик технологиялар кўргазмаси Бухорода очилган янги Бизнес марказида намойиш этилганидан сўнг Оролбўйи диёрига «отланган» эди.

Элликқалъа тумани марказида очилган ушбу кўргазмада мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан «Мирсазава», «Алгоритм», «Сайқал» каби 40 дан ортиқ корхоналар, 7 та хориж фирмалари ўз кичик технологиялари, ускуна ҳамда товарларини намойиш этдилар. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 850 нафар тадбиркор иштирок этган кўргазмани туман ҳокими Н. Худойбергенов очди. Кўргазманинг очилишида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, айрим хориж фирмалари вакиллари қатнашдилар. Икки кун давом этган кўргазмада нархи 41 миллион сўм турадиган 16 та шартнома имзоланди. Семинар ўтказилди.

«Минитех-2002» Қорақалпоғистондан яқиндагина ўзининг 2500 йиллик айёмини нишонлаган азим Термиз шаҳрига йўл олди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Конституциявий қонун ўрганилмоқда

Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилинган эди. Уни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида жойларда кўплаб анжуманлар ўтказилмоқда.

Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Унда Халқ таълими вазирлиги тизими мутахассислари, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, ўрганиш ва таълим жараёнини қонун моҳияти билан уйғунлаштириб бориш семинар қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Тадбирда юридик фанлар докторлари, профессорлар З.Исломов, Ҳ.Бобоев, Ғ.Абдумажидов, юридик фанлар номзоди Б.Тошев ва бошқалар маъруза қилди. Улар референдум якунларининг қонунчиликда акс эттирилиши, Конституциявий қонуннинг моҳияти, унинг янги қонунлар яратишдаги аҳамияти, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўрни, таълим ва ўқув ишларини Конституциявий қонун моҳиятидан келиб чиқиб ташкил этиш, ҳуқуқий йўналишдаги изланишларни янада чуқурлаштириш ва бу соҳадаги келгуси вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари таълим муассасаларида ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кенгайтириш, мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, бу йўналишда дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш ишларини жадаллаштиришга келишиб олди.

**Б.НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

# РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилнинг II чорагида нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида", "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур"да ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури"да қўйилган вазифаларнинг бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Марказий банк раиси, мазкур комиссия раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Мажлисда қайд этилдики, 2002 йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамланди, нақд пул эмиссиясига умуман йўл қўйилмади, аксинча, муомаладан нақд пул олишга эришилди. Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ҳам муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга республикамизнинг айрим минтақаларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида маҳаллий бозорларни зарур халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатида ҳамон нақд пул эмиссиясига йўл қўйилаётганлиги қайд этилди. Мажлисда мазкур ҳудудлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Уларнинг зиммасига барча шаҳар ва туманларда нақд пул эмиссияси даражасини босқичма-босқич камайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан 2002 йил 11 апрелда тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури" талабларини оғишмай бажариш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, мажлисда Хоразм вилояти пул-кредит сиёсати комиссиясининг Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул эмиссиясини қисқартиришга доир қарорлари ҳамда "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш борасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Парламент назорати

# ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚАДАМИ

***Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг сўнгги йиғилишида «Уруғчилик тўғрисида»ги қонуннинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси тизимида қандай ижро этилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинганди.***

***Шу аснода қандай хулосаларга келинганлиги хусусида сўз юритмоқчимиз.***

## Сара уруғ — ҳосил бўлиқ

Инсон ерни, табиатни яшнатгани сайин ўзи ҳам гўзаллашиб бораверади. Бу узвийлик ва давомийликда чуқур мантиқ бор. Ўзбек деҳқони ҳеч замонда билим ва тажрибани бировдан «қарз»га олмаган. Истиқлол шарофати билан у ўз йўлини топди. Янада тадбиркор ва уқувли бўлиб қолди. Унга ер беринг, имконият беринг. Қолганини ўзи эплайверади. Кундалик ҳаётимизда бунга мисоллар кўп.

Сара ҳосил - сара уруғдан олинади. Президентимиз ва ҳукуматимиз шу боисдан ҳам аграр соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусан, уруғчиликни интенсив ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келаяптилар. Кейинги йилларда тармоқ малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди, бу соҳадаги сиёсатнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун 1996 йил 29 августда қабул қилинган. Депутатлар ишчи гуруҳи назорат-таҳлил жараёнида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси ва уларнинг жойлардаги корхоналарида қонун ижросини таъминлаш юзасидан сезиларли натижаларга эришилаётганлигини қайд этди.

Чунончи, республика ҳудудида экиш учун тавсия қилинган навларнинг давлат рессстри қатъий амалда. Навларни ана шу реестрга киритиш ва ундан чиқариш масалалари билан давлат нав синаш комиссияси шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш, улар сифатини назорат қилиш марказининг низоми қайта ишлаб чиқилган ва ҳукуматнинг 53-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу низомга мувофиқ турли нав ва уруғликлар марказий лабораторияда синовдан ўтказилиб, уларга мувофиқлик сертификати берилади.

Амалдаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатларига асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида селекция, уруғчилик, шунингдек, юқори толали, тезпишар навларни яратиш ва уларни мамлакатнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитларида жойлаштириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Агрономлар, элита уруғчилиги лабораториялари мудирлари, пахта уруғчилиги соҳасида банд бўлган раҳбар ва мутахассислар учун малака ошириш ўқув маркази ташкил этилган. Фақат шугина эмас. Пахта уруғчилиги индустриясини ривожлантириш мақсадида республикадаги илмий-тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Натижада полимерлар физикаси ва кимёси институти, Ўзбекистон иқтисодиёт академияси томонидан уруғлик чигитни туксизлантириш технологиясининг янги усули, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтида эса ана шундай технологияларнинг тажриба нусхалари яратилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган, чигитни кимёвий усулда туксизлантиришга ихтисослашган 6 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Сурхондарё вилоятидаги «Олтин чигит» Ўзбекистон-Юнонистон, Тошкент вилоятида ташкил этилган «Ҳақи-Пет» Ўзбекистон — Германия корпорациялари, Сирдарё вилоятидаги «Марказий Осиё уруғчилиги» Ўзбекистон — Америка компанияси ана шулар жумласидандир. Сифатли уруғлик чигит тайёрлаш мақсадида хўжаликлар тендер асосида танлаб олинади. Тендерда ғолиб чиққан 745 та хўжаликка республика бўйича уруғлик пахта етиштириш ваколати берилган. Натижада кейинги уч йил ичида биринчи классли уруғлик чигит салмоғи 70 фоиздан 94 фоизга ўсган бўлса, чигитнинг умумий сарфини гектарига қарийб ярмига камайтиришга эришилди.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, селекция ва уруғчилик билан шуғулланувчи субъектларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Шунга асосан 1999 йил мавсумидан бошлаб уруғлик пахта етиштирувчи хўжаликлар соҳага тааллуқли институтлар, нав муаллифлари, пахта уруғчилиги лабораториялари ва тегишли илмий-ишлаб чиқариш марказлари жамоалари ўз вақтида пул мукофотлари билан тақдирланаяпти. Кейинги беш йил мобайнида ғўзанинг «Омад», «Оқдарё»-6», «Оққўрғон-2», «Меҳр», «Хоразм-127», «С-2609» навлари республика ҳудудида экиш учун тавсия этилди.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин... Камчилик ва муаммолар ҳам оз эмас. Амалдаги қонун талаблари барча жойда ўз ижобатини топаяпти, деб бўлмайди. Уруғчилик билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланмаган. Республикада етиштирилган истиқболли навларни экспорт қилиш, нуфузли халқаро уруғчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, бу соҳадаги дунёвий стандарт, илғор тажриба ва услублардан фойдаланиш масалалари эътибордан четда қолаяпти. Республика ҳудудида «Ўздавуруғназоратмаркази»нинг бўлимлари ташкил этилган бўлса-да, улар аккредитланмаган, бирорта лаборатория қонуний сертификат бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳол янги, ҳосилдор навларни районлантиришда қийинчиликларга олиб келмайди, деб ким кафолат бера олади?

## Хабардорлик — зарурий талаб

Дон ва нон... Бу муқаддас тушунчаларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Хонадонимизга меҳмон келса, дастурхонга ҳаммадан аввал нима қўямиз? Албатта, нон. Зеро, нон — буюк насиба, ризқ-рўз, тириклик манбаи. Кексалар унинг ушоғини ҳам авайлаб, кўзга суртадилар. Бу — беҳикмат эмас.

Ана шуларни хаёл кўзгусидан ўтказганда, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда оқилона, халқпарвар сиёсат юритиб келинаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз ва ич-ичдан фахрланамиз. Дарҳақиқат, эндиликда ўзбекнинг ўз дони, ўз нони бор. Етмиш йилдан зиёдроқ давом этган ғалла қарамлигига барҳам берилди. Иқтисодий мустақиллик халқимиз учун янги-янги имконият эшикларини очаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мана, жонли мисол. Уруғчилик сифатини ошириш, замонавий навларни танлаб экиш ҳисобига 1996 йилда суғориладиган майдонларда мамлакат бўйича ўртача ҳосилдорлик 22,8 центнерни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 32,1 центнерга етди. Кейинги уч йил мобайнида дон уруғчилиги соҳасида «Ғайрат», «Бўзсув-1», «Ўзбекистон-1», «Андижон-1», «Андижон-2», «Кўкбулоқ», «Зумрад», «Чиллаки» каби навлар яратилган ва амалиётга жорий этилган.

Тўғри, ҳозирги кунда суғориладиган майдонларнинг 85,4 фоизига Краснодар ўлкасидан олиб келинган нав уруғлари экилмоқда. Маҳаллий навлар нисбатан кам. Бунинг асосий сабаби Андижон ғаллачилик институтининг Ғаллаорол бўлимида маҳаллий навларнинг элита уруғларини етиштириш талаб даражасида эмаслигидир.

Хўш, яна бир донли экин — шоличилик ва унинг истиқболи ҳақида нима дейиш мумкин? Айни пайтда республика ҳудудида шолининг 12 нави давлат реестрига киритилган. «Уруғчилик тўғрисида»ги қонун талабларига асосан ушбу экиннинг турли хил тупроқ-иқлим шароитига мос, истиқболли навларини яратиш ва районлаштириш бўйича бирмунча ишлар олиб борилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Шоли навлари генофондини сақлаб қолиш мақсадида селекция ва уруғчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қонун ижросини ўрганиш жараёнида аён бўлдики, республикада озуқабоп экинлар (беда, маккажўхори, оқ жўхори, соя ва ҳоказо) уруғчилиги соҳасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Кейинги етти йил мобайнида четдан элита, суперэлита каби юқори репродукцияли уруғлар умуман олиб келинмаган. «Ўзсабзавотнавуруғлари» уюшмаси тасарруфидаги хўжаликларда етиштирилган навларнинг сони кам, сифати паст. Боз устига, айрим фирмалар, тадбиркорлар, ижарачилар синовдан ўтмаган ҳамда давлат реестрига киритилмаган уруғларни экиб, ўзбошимчалик билан иш тутаяптилар.

Яна бир эътироз. Турли хилдаги мева-сабзавот, гул уруғлари ва кўчатларини мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш ҳоллари учраб турибди. Жумладан, 2001 йилда «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси томонидан Германиядан келтирилган 250 тонна уруғлик картошканинг 161 тоннаси касалланганлиги сабабли истеъмолга яроқсиз, деб топилди. Шуниси таажжубланарлики, бу нуқсон уруғлик республика ҳудудига киритилиб, сифат сертификати олиш учун намуна тақдим этилгандан кейингина аниқланган!

Депутатлар ишчи гуруҳининг хулосасига кўра, қонун ижросини таъминлаш юзасидан Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, пахта уруғчилиги бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида фаолият юритмоқда. Чунончи, уруғлик чигит ҳамда бошоқли дон уруғларини тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналар ташкил этилган. Нав синаш шоҳобчалари, тендер асосида танланган элита хўжаликлари ишлаб турибди.

Шундай бўлса-да, уруғчилик соҳасидаги умумий аҳволни қаноатланарли, деб бўлмайди. Ҳукуматнинг бу соҳадаги сиёсати юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида дастурий чора-тадбирлар белгиланмаган. Тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари ўз вақтида жойларга етказилмайди. Оддий фуқаролар тугул, бевосита уруғчилик билан шуғулланувчи мутасаддиларнинг ўзлари ҳам юқоридаги қонун моҳиятидан яхши хабардор эмас.

Кўринадики, ҳар учала тармоқда уруғчиликнинг ҳуқуқий асосларини takомиллаштириш бўйича ҳали кўп ишлашга тўғри келади. Биз гоҳо ўз ички имкониятларимизга етарлича баҳо бермаймиз. Саховатли ўзбек заминида исталган ноз-неъматни етиштирса бўлади. Шундай экан, миллион-миллион маблағ сарфлаб, дунёнинг нариги чеккасидан сифатсиз картошка олиб келишга ҳожат бормикин? Картошкани тўлиғича ўзимизда етиштирсак бўлмайдими?

Бўлади. Эҳтимол, мутасадди ташкилотлар ушбу мулоҳаза хусусида ўйлаб кўриб, бир тўхтамга келишар. Биз бошқа нарсани таъкидламоқчимиз. Қонун ҳамма жойда, ҳамма учун бир. Ҳуқуқий-демократик давлат қонунга итоаткорликдан бошланади. Биргаликда ҳаракат қилсак, албатта, кўзлаган барча мақсадларимизга эришамиз. Ахир, қарс ҳам икки қўлдан чиқади-да!

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қарор ва ижро

# МИРЗАОБОД — фермерлар тумани

Мирзаобод тумани Сирдарё вилоятининг қўриқ туманларидан ҳисобланади. Бундан 15-20 йиллар аввал бу ерда янги ерлар очиш, деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида катта миқдорда маблағ сарфланганди. Бироқ шунга қарамасдан, мавжуд майдонлардан дурустроқ самара олишнинг иложи бўлмади. Сабаби — узоқ йиллар давом этган хўжасизлик туфайли мавжуд дренажлар, оқава сув ташланадиган зовурлар ишдан чиқди. Оқибатда бу сизот сувларининг юзага кўтарилишига ва экинзорларни шўр босишига олиб келди, ғалла, пахта ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосил миқдорининг камайишига сабаб бўлди.

Албатта, бу жараён нафақат қишлоқ хўжалигига, балки туман инфратузилмасига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Бундай ҳудудлар мамлакатимизда ягона эмаслигини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз юзага келган муаммони оқилона ҳал этишнинг тўғри йўли мавжуд майдонларни ҳақиқий соҳибларига топшириш, фермер хўжаликларига тенг тақсимлаб беришдан иборатдир, деган хулосага келди. Негаки, шундай қилинганда, биринчи навбатда, одамларда ерга бўлган муносабат ўзгаради. Шу мақсадда 2002 йилнинг 5 январида Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Айтиш лозимки, чўл шароитида фермер хўжаликларини ташкил этиш мирзаободликлар учун янгилик эмас. Чунки мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида бу ерда ташкил этилган фермер хўжаликлари ўзларини аллақачон тиклаб олиб, нималарга қодир эканликларини амалда намоён этишаяпти. Ёки бошқа бир мисол. Туман ҳокимининг қарорига кўра, 2000 йили Т. Аҳмедов номидаги жамоа хўжалиги тўлалигича фермер хўжалигига айлантирилганди. “Интилганга толе ёр” деганларидек, натижалар ёмон бўлмади. Жумладан, ўтган йили ғалла, пилла тайёрлаш режалари бажарилди, давлатга пахта сотиш топшириғи эса 52 фоизга етказилди. Муҳими, ана шу қисқа муддатда фермерларнинг аксарияти ўзларининг техникалари билан бирга муқобил МТП, ўғит, ёнилғи билан таъминлайдиган омборларига эга бўлишди. Улардан уч нафари лизингга ҳайдов ва чопиқ тракторлари сотиб олган бўлса, бошқалари ўзларининг шахсий маблағлари ҳисобига автомобиллар харид қилиб, улардан хўжалик эҳтиёжлари йўлида фойдаланишмоқда. Шу тариқа фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб, ерга, мулкка бўлган муносабати янгича тус олмоқда. Ҳатто фойдаланилмай ётган майдонларни ўзлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, мавжуд дренажларни таъмирлаш юмушлари ҳам фермер хўжаликларининг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилаётир.

Бироқ фермерларга ажратилган ерларнинг бошқа хўжалик ҳудудлари билан туташлиги, бир ариқдан сув ичишини ҳисобга олсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар борлиги аён бўлади. Сабаби — шундоққина оқиб ўтадиган сувнинг бир ёнида фермер, иккинчи томонида эса давлат хўжалигининг экинзорлари. Лекин ерга, мулкка нисбатан икки хил ёндашув, икки хил фикрлаш мавжуд. Фермер боқадиган, кийинтирадиган еримни, сув ичадиган ариғимни обод қилиб қўйсам, деб куйинса, қўшни деҳқонда “Менга нима, бу ҳақда қайғурадиган раҳбарлар бор”, деган фикр ҳукмронлик қилади. Табиийки, бундай қарама-қарши фикрлар туман иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмасди. Шундай бир шароитда, ҳукумат қарорига мувофиқ, тумандаги барча хўжаликларнинг ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилиши айни муддао бўлди.

Бугунги кунда Мирзаободда ер соҳиблари сони 700 тадан ошиб кетди. Албатта, буларнинг барчаси мавсумбозлик асосида ташкил этилгани йўқ. Аксинча, бу борада туман ҳокимининг қарори қабул қилингандан сўнг, талабгорларнинг туман фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссияси номига келиб тушган 460 тадан ортиқ аризалари бўйича тендер ўтказилиб, уларнинг 271 нафарига фермер хўжалиги ташкил этишга рухсат берилди. Мавжуд 11028 гектар майдоннинг қарийб 1060 гектари янги фермер хўжаликларига ажратилди. Қолган шўрланган ерларни ҳам тақсимлаш ишлари давом этмоқда.

Туман ҳокимлиги эса “барча майдонлар фермерларга берилди, энди улар билганини қилишсин” қабилида иш тутмасдан, балки уларнинг тўлиқ оёққа туриб олишлари учун мавжуд имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Пахтабанк” ва “Турон” банкларининг 8 та шохобчаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғит билан таъминлаш бўлимлари, муқобил МТП, консалтинг хизмати ва сувдан фойдаланиш уюшмалари ташкил этилди.

Айни пайтда 20 та “Магнум”, 90 та чопиқ трактори фермерлар ихтиёрига берилган. Бироқ ҳисоб-китобларга кўра, мавжуд экин майдонлари учун бу етарли эмас. Негаки, бугунги кунда битта “Магнум”-га беш юз гектар, чопиқ тракторига эса 120-130 гектардан зиёдроқ ерга ишлов бериш тўғри келмоқда. Бу эса техникаларнинг белгиланган қувватидан ҳаддан ортиқ фойдаланишга мажбур этмоқда. Шу жиҳатдан олганда, лизингга ҳали кўплаб замонавий техникалар харид қилиш керак. Шунга қарамасдан, ер соҳибларининг эртанги кунга ишончлари баланд, кайфиятлари тетик.

— Мен умрим бино бўлиб одамларнинг ерга бунчалик меҳр боғлаб, далага кўчиб борганини кўрмагандим, — дейди Р.Қосимов номидаги фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Маматқулов далада куймаланаётган бир гуруҳ фермерларга ишора қилиб. — Бундан шуни англаш мумкинки, қачонки, ер ҳақиқий соҳибини топгандагина у қадрланади ва эъзозланади. Биз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

— Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, агар туманимизда фермерлик ҳаракати шу тариқа шаклланиб, ривож топиб бораверса, яна икки йилдан сўнг иқтисодиётимизда кескин бурилиш даври бошланади, —дейди туман ҳокими ўринбосари Р. Анорбоев. — Қишлоқ хўжалигида эса маъмурий-буйруқбозлик ўрнини ўзини ўзи бошқарув тизими эгаллайди. Бугунги давр талаби шуни тақозо этмоқда.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



### Замонавий техника ёшлар қўлида

*Қашқадарё вилоятидаги «Кўкдумалоқ» компрессор станцияси жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётининг равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ерда барча иш жараёнлари замонавий техникалар зиммасига юкланган бўлиб, уларни ёшлар моҳирона бошқармоқдалар. Чунки уларнинг аксарияти хорижий давлатларда ўқиб, бой тажриба орттириб қайтишган. Эндиликда ҳаммаси америкалик мутахассислар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, кунига юқори самарадорликка эришаяпти.*

**СУРАТДА:** газ тайёрлаш қурилмаси кузатувчиси Муродилло Маматов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссия ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, вилоятнинг Хива, Янгибозор, Шовот ва Қўшкўпир туманларида нақд пул эмиссияси даражаси юқорилигига қарамасдан ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ушбу туманларда мазкур кўрсаткични пасайтириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаган. Юқоридаги туманларда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш даражаси вилоят ва республика кўрсаткичларидан бир неча баравар паст.

Ушбу масалалар юзасидан Хива, Янгибозор, Шовот ва Қўшкўпир туманлари пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, мазкур ҳудудлар комиссияларининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Мажлисда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раиси М.Шариповга комиссиянинг ҳисобот давридаги иш фаолияти етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига комиссия фаолиятини тубдан қайта қуриш, юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш, бу борада талабчанликни янада ошириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда Андижон вилоятида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур”нинг бажарилиши ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими ўринбосари — ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияси раҳбари Э.Тожибоевга мазкур дастурда қўйилган айрим вазифаларнинг вилоят миқёсида етарли даражада ижро этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига мазкур дастурда қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан 2002 йил 11 апрелда тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини барқарорлаштириш ва нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг ҳар бир шаҳар ва туманда бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш ҳамда ижро жараёнининг бориши тўғрисидаги масалани ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

Ислоҳот сабоқлари

# ТАКЛИФ ҲАМ, ТАЛАБ ҲАМ АЁН

**Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Шулардан бири ва энг муҳими хабардорлик, десак хато қилмаймиз. Зеро, олувчи ҳам, сотувчи ҳам қаерда, нима бор, нархи қанчалигини билса ва шунга қараб иш кўрса, ютказмайди. Акс ҳолда... Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг хўжалик ҳисобидаги шўъба жамиятининг Қашқадарё филиали томонидан яратилган имкониятлар олувчига ҳам, сотувчига ҳам қўл келаётганини таъкидлаш ўринлидир.**

Сабаби — биржада Интернет ва модем алоқаси йўлга қўйилган. Энг асосийси, биржа савдоларининг ягона электрон тизими яратилган. Электрон савдо залида эса барча қулайликлар мавжуд. Сотувчининг ёки харидорнинг топшириқномасига кўра, унинг брокери талаб ва таклифлар юзасидан биржада шартномаларни имзолаши мумкин.

— Электрон таблода ҳамма нарса кўриниб туради, — дейди биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш бўлими бошлиғи Аҳадулла Абдуллаев. — Брокер ўзига керакли маълумотни саноқли дақиқада олади. Ўзининг маълумотларини компьютерга киритади. Кимга нима керак? Маҳсулотнинг нархи қанақа? Шу каби саволларга дарҳол жавоб топилади. Келишувга эришилади. Сўнгги иш — ҳужжатларни имзолаш қолади, холос. Мана, сизга янги электрон тизимнинг қулайлиги! Биржанинг Интернет тармоғи орқали эса республикамиздагина эмас, балки бошқа давлатлардаги талаб ва таклифни ҳам билиб оласиз.

— Мана, битта мисол, — дейди хўжалик ҳисобидаги шўъба жамияти Қашқадарё филиали директори Эшдавлат Тожиев. — Тадбиркор Сергей Қобилжоновнинг 40 тонна асали бор экан. У бу асални «Қаерда, қандай сотсам экан?» деб боши қотиб юрганлигини айтди. Ягона электрон савдо тизимига ана шу неъмат ҳақидаги маълумотлар — 70 ва 220 граммлик чиройли идишларда қадоқланганлиги, гул чангининг асал билан уйғунлашганлиги ва ҳоказолар киритилди. Қарабсизки, бирпасда унга харидор чиқди. Жумладан, «Ал-Саид» фирмасининг преформаси, сув идишлари ҳам шу тариқа савдога қўйилди.

Хуллас, Товар-хомашё биржаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи учун ҳам, харидор учун ҳам қулай. Бу ерда график бўйича кунда 2 марта, яъни эрталаб соат 11.00 да алоҳида йўналиш бўйича, соат 3.00 да эркин савдо ўтказилади. Бу савдоларда иштирок этиш учун брокерлар иштирокида савдо контрактлари рўйхатга олинса, шунда контракт умумий суммасидан 0.3 фоиз миқдорида биржа йиғими олинади. Биржа томонидан ташкил этиладиган ярмарка савдоларида воситачиларсиз (яъни брокерларсиз) олди-сотди шартномалари имзоланади.

Жамиятнинг Қашқадарё филиали ўрта ва кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ўзаро ҳамкорликда иш юритаяпти. Бу борада шартнома тузилган. Ушбу шартномага кўра, палатанинг шаҳар ва туман бўлимларига биттадан брокерлик ўрни бепул берилган. Бундан ташқари, ўрта ва кичик бизнес субъектлари вакиллари ярмарка савдоларига доимий равишда таклиф этиладилар. Бу савдоларда улар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари билан иштирок этадилар.

Товар ишлаб чиқарувчилар, ўрта ва кичик бизнес субъектлари вакилларига биржа таркибида «Ҳисоб-китоб клиринг палатаси» ташкил этилганлиги, айниқса, жуда қўл келмоқда. Вилоят ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан республикамиз ички бозорига четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари учун тузилаётган контрактлар биржа савдолари орқали тузилиб, «Ҳисоб-китоб клиринг палатаси»да рўйхатга олинади. Ушбу палатада кўрсатилаётган хизматлар қайси жиҳати билан қулай ва афзал? Аввало, у тузилаётган импорт шартномаларининг ижро этилиши жараёнини назорат қилади. Ўзаро ҳисоб-китоб тўловлари юзасидан норезидент шахслар учун кафилликка ўтади. Рўйхатга олинган шартномалар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар консалтинг хизматлари кўрсатувчи турли фирмалар томонидан нарх-наво даражасига доир хулосалар олишдан, шунингдек, ушбу шартномаларни банк муассасаларига ҳисобга қўйиш мажбуриятидан озод этиладилар.

Шунинг учун Қашқадарё филиалида ўтган йилнинг биргина 4-чораги мобайнида 290 миллион 642 минг сўмлик савдо контрактлари рўйхатга олинди. Белгиланган режа 193,8 фоиз бажарилди. Умуман, 2001 йил мобайнида эса жами 883 миллион 767,1 минг сўмлик савдо контрактлари рўйхатга олинди. Режа 160,7 фоиз уддаланди. 2000 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 180 фоизни ташкил қилди.

Шундан 447 миллион 639,4 минг сўмлиги экспорт 66 миллион 120,8 минг сўмлиги импорт ҳамда 370 миллион 006,9 минг сўмлиги эса республикамиз ички бозорида тузилган контрактлардир.

Ўрта ва кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган контрактларнинг умумий миқдори 662 миллион 251,8 минг сўмга етди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 214,8 фоиз ўсишга эришилди, демакдир.

Албатта, ана шу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Шу ўринда Қашқадарё филиали директори Эшдавлат Тожиевнинг изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги, энг муҳими, ташаббускорлиги катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини айтишга тўғри келади. Бевосита унинг саъй-ҳаракати туфайли вилоятда биржа савдоларининг ягона электрон тизими йўлга қўйилди.

— Энди ана шундан самарали фойдаланиб, — дейди у, — ўрта ва кичик бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишни яхшилаяпмиз. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини ягона электрон тизими орқали сотишга эришиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари, ўрта ва кичик бизнес субъектларини материал-техника маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «Кимошди» савдоларини ўтказиб бораяпмиз. Биржа савдолари салмоғини янада оширамиз. Бунинг учун унинг фаолиятига оид янгилик ва хабарларни кенг миқёсда тарғиб ва ташвиқ қилмоқдамиз. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ушбу янгилик ва хабарлардан воқиф бўлишса, маҳсулотни сотиш ҳам, олиш ҳам осон бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Шунинг учун филиал жамоаси астойдил изланмоқда, янги-янги усулларни амалиётга татбиқ этмоқда. Бу «Улгуржи ва биржа савдосини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 198-сонли қарорининг Қашқадарё вилоятида амалиётга муваффақиятли жорий этилаётганлигидан далолатдир.

Тадбиркорлар ва фермерлар Қашқадарё вилоятида ягона электрон тизимидан самаралироқ фойдаланишса, таклиф ҳам, талаб ҳам уларга кундек аён бўлиб туради. Ахир, олмоқни, сотмоқни кўзлаган одам бозордаги талаб ва таклифни ўрганса, ҳеч қачон ютқазмайди-да.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Илмий-амалий анжуман

Тошкент электротехника алоқа институтида “Масофадан ўқитиш техникаси ва технологияси” мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон радиотехника, электротехника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамкорликда ўтказган ушбу анжуманда почта ва телекоммуникациялар соҳаси мутахассислари, республика олий ва ўрта махсус билим юртлари вакиллари иштирок этишди.

## Халқаро ҳамкорлик

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар асосида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора чуқурлашмоқда. Буни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мазкур олий таълим даргоҳида халқаро талаблар даражасидаги етук малакали мутахассис кадрлар етиштириш йўлида кейинги йилларда кўпгина ишлар қилинди. Энг аввало, бу ерда янги таълим ғояларини тўла юзага чиқаришга имкон берадиган замонавий моддий-техникавий асосни яратишга катта эътибор берилмоқда. Бундан икки йил бурун институтда Германиянинг Берг университети ва «Ҳейдельберг» фирмаси билан ҳамкорликда 500 минг немис маркаси миқдоридаги замонавий матбаа машиналарига эга ўқув маркази ташкил этилган эди. Бунинг натижасида институтдаги полиграфчи-талабалар матбаа ишини энг замонавий мезонларда ташкил этиш тажриба ва малакаларини эгаллаб чиқмоқдалар.**



# Япония туҳфаси

Ниҳоят, институтда яна бир муҳим воқеа рўй берди. Япония ҳукуматининг 440 миллион йен (4 млн АҚШ доллари) миқдоридаги беғараз ёрдам Гранти лойиҳаси доирасида институт ўқув биноларига энг замонавий компьютер, аудио ва видео синфлари, ўқув лаборатория жиҳозлари, ускуналар ўрнатилди. Шундай қилиб, Тўқимачилик ва енгил саноат институти мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб таълимнинг энг мукаммал моддий-техникавий базасига тўла-тўкис эга бўлди, дейиш мумкин. Энди бу даргоҳда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи деб ном олган иккинчи босқичини амалга ошириш учун ҳар тарафлама шароит яратилди.

Япония ҳукуматининг ўқув-тарбияга доир энг антиқа автоматик ускуналарни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига беминнат туҳфа этиши ўзаро стратегик манфаатдорликни кўзлайди, албатта. Чунки Ўзбекистон дунёда энг йирик пахтачилик ва пиллачилик мамлакатларидан ҳисобланади. Бинобарин, республикада мустақиллик йилларида ана шу ноёб хомашёларни мамлакатимизнинг ўзида қайта ишлашга ва халқаро стандартлардаги экспортбоп маҳсулотлар чиқаришга эътибор тобора кучаймоқда. Масалан, мустақиллик давридан олдин атиги 0,8 фоиз пахта хомашёси қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда Янгийўл, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган шаҳарларида ҳам хорижий сармоялар иштирокида тўқимачилик қўшма корхоналари вужудга келиб, етиштирилган пахтанинг 18 фоизи ўзимизда қайта ишланмоқда ва тайёр маҳсулотлар чиқарилмоқда.

Пиллачилик соҳасида ҳам туб ўзгаришлар йўлидан борилаяпти. Янги-янги, замонавий пиллани қайта ишлаш қўшма корхоналари барпо этилмоқда. Бундай шароитда ривожланган хорижий давлатлар Ўзбекистонга ўз сармоясини, техника ва технологиясини кўпроқ киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан,Япония пахта ва пиллани халқаро стандартларда қайта ишловчи техника ва технологияга эга бир мамлакат. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўрнатилган Япония жиҳозлари бунинг яққол далилидир. Шу маънода, Тошкент институтига Япония туҳфаси, ўз навбатида, Япония электрон техника ва технологиясининг ўзига хос назокатли тарғиботи ҳамдир. Бунинг устига, институтдаги Ўзбекистон ёшлари ана шу техника ва технология мактабида тарбия кўриб вояга етадилар. Вақти келиб, улар ҳам Япония техникаси ютуқларининг нозик билимдони ва тарғиботчиларига айланади.

Хўш, бизнинг таълим тизимимиз, янада аниқроғи, унинг йирик марказларидан бири бўлган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти бу туҳфалардан қандай манфаатдор?

Яхшиси, бунинг жавобини институтнинг ўз вакилларидан эшитайлик. Биз билан суҳбатда механикавий технология факультети декани, техника фанлари доктори, профессор Баҳодир Муқимов шундай деди:

— Япония давлатининг беғараз ёрдами институт лабораторияларини ўта замонавий дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозлаш имкониятини берди. Бу дастгоҳлар ва ускуналарда билим олган талабалар ҳозирда янгидан-янги қурилаётган қўшма корхоналарда бемалол, ҳеч бир қийналмасдан ишлаб кетадилар.

Демак, Тўқимачилик ва енгил саноат институти энг замонавий кадрлар етиштириш имкониятига эга бўлди.

Бу — масаланинг бир томони, холос. Яна бир муҳим томони шундаки, ўрнатилган Япония техникаси ва технологияси институт учун дурустгина даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Мана, Сертификатлаштириш марказини олайлик. Шу пайтгача республикада ишлаб чиқарилаётган пахтачилик, ипакчилик, трикотаж сифати маҳаллий миқёсда, кўникмалар асосида белгиланар эди. Айниқса, маҳсулотларнинг экспортбоп хусусиятларини аниқлаш осон кечмаётган эди. Энди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтидаги Сертификатлаш маркази республикада ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларининг халқаро стандартларга мос ёки мос эмаслигини жуда тез аниқлаб беради. Модомики шундай экан, биздаги ва қўшни МДҲ давлатларидаги пахта, пилла, трикотаж ва чарм-терини қайта ишловчи корхоналар, қўшма корхоналар энди бу Марказ тимсолида ўзларига энг ишончли ҳамкор ва маслаҳатгўйини топадилар. Институт Сертификатлаш марказига буюртмалар ҳам кўпаяди. Шу сабабли институтда бўлиб ўтган Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам Гранти лойиҳасининг тақдимотига бағишланган тантана пайтида ана шу Сертификат марказига Ўзбекистон Давлат стандарти томонидан махсус сертификат топширилганлиги институт жамоатчилиги учун қувонарли янгиликлардан бири бўлди.

Япониянинг «Марубени корпорейшн» фирмаси ҳам ушбу лойиҳага ҳиссасини қўшиб, институтга ўзлари ишлаб чиқарган 60 та компьютерни келтириб, 3 та компьютер синфини, аудио ва видео синфларини жиҳозлаб берди. Бу синфларда куннинг биринчи ярмида талабалар машғулот ўтказиб, компьютер оператори деган қўшимча касбни эгаллайдилар. Пешиндан кейин компьютер синфлари тижорат мақсадларига хизмат қилади. Яъни хоҳловчилар тўлов асосида компьютерда ишлашни ўрганадилар. Ёки Интернет хизматидан фойдаланувчилар бу синфларга келиб, куннинг иккинчи ярмида Интернетга уланган компьютерлар хизматидан тўлов асосида фойдаланадилар.

Шу йил 17 май куни институтда бўлиб ўтган Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам Гранти лойиҳаси тақдимоти институт аҳлининг байрамига айланди. Унда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним, Япониянинг бир неча етакчи фирмалари раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам Гранти доирасида ўз моддий-техникавий базасини ўта замонавий даражада янгилаганлиги, чиндан ҳам, муҳим воқеадир. Бундай база илғор замонавий тафаккурли, баркамол янги кадрлар авлодини тарбиялаб етиштириш майдони бўлиб қолишига бемалол ишонсак бўлади.

**М.САФАРОВ.**



# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 21 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 399,20 | 1 Исландия кронаси | 7,91 | 1000 Туркия лираси | 0,50 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1058,47 | 1 Канада доллари | 465,43 | 1 Швейцария франки | 458,74 |
| 1 Дания кронаси | 89,57 | 1 Хитой юани | 87,45 | 1 ЕВРО | 665,93 |
| 1 БАА дирҳами | 197,08 | 1 Малайзия ринггити | 190,51 | 10 Жанубий Корея вони | 5,78 |
| 1 АҚШ доллари | 723,84 | 1 Польша злотийси | 176,55 | 10 Япония иенаси | 57,57 |
| 1 Миср фунти | 157,02 | 1 СДР | 923,51 | 1 Россия рубли | 23,16 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 135,86 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Tthe most comprehensive education for Central Asia.

**WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT**

*Tashkent, Uzbekistan*

The University of Westminster, United Kingdom, 'Umid' Presidential Foundation, and the Ministry of Higher and Secondary Specialised Education of the Republic of Uzbekistan are working together to establish new Westminster International University in Tashkent. WIUT, opening on September 2002, will teach undergraduate and postgraduate programmes in the Faculties for Business, Computer, Economics and Law according to the leading British higher educational standards. In order to support the successful development of the teaching process and research activities, WIUT would like to invite applications for the position:

**REGISTRAR (Ref: ADM2002)**

**Purpose**

To manage all aspects of academic and student administration in accordance with established principles, policies and regulations of the university.

**Principal Accountabilities**

- To establish, maintain, disseminate and monitor academic policies and regulations which govern the delivery of courses leading to academic awards of the University of Westminster at the WIUT.
- To develop and enhance standard quality assurance processes which provide an annual review of the quality and standards of all courses delivered by WIUT, for report to the University of Westminster's Academic Council; to establish and support an independent peer group on academic standards for this purpose.
- To contribute to policy formation as a member of the executive team.
- To manage the following student administration processes:
  - Student numbers planning
  - Student application and selection
  - Student finance
  - Student welfare and advisory support service
  - Student discipline, student feedback surveys and student complaints
  - Student assessment, examination and progression
  - Student exchange and study placement
  - Student presentation ceremonies
- To maintain and develop, in collaboration with the Learning Resources
- Manager, a comprehensive and integrated student and course records system and database.
- To ensure provision of accurate, timely and useful information for analysis within WIUT and the University of Westminster and by UK and Uzbek Government agencies.
- To ensure the accuracy and appropriateness of all promotional material issued in relation to courses and staff activities at WIUT.
- To provide support and guidance to course leaders and academic tutors, particularly with course committees and examination boards.
- To maintain the formal archive of student records from application to conferment of awards, including examination board files and student files.
- To undertake the preparations for audit by the University of Westminster and by the UK Government's Quality Assurance Agency (QAA) and Ministries of the Government of the Republic of Uzbekistan as required.
- To act formally as Secretary to the Founders Council, the Executive Group and the Scientific Council.
- To manage staff in the Registry, taking responsibility to recruit, select, deploy, develop and monitor colleagues within an annual plan of work.

**Requirements for Candidates**

The successful candidate will be expected to demonstrate the following aptitudes and personal qualities:

- Well-developed leadership and organisational skills
- Good writing and drafting skills, and excellent interpersonal communication skills
- Good influencing skills
- The ability to think strategically, literally and to adopt a problem-solving approach
- Sound experience of staff management
- A positive commitment to internationalism in HE
- Sensitivity to the culture and specific needs of a developing Central Asian international institution
- Good business sense and good Information and Communications Technology (ICT) skills
- A demonstrable commitment to continuing personal and professional development
- An aptitude for acquisition of new language skills.

**LECTURER IN ENGLISH FOR ACADEMIC PURPOSES (Ref.: JFS401)**

**Purpose**

To play a key role in the delivery of English language training, work collaboratively with University of Westminster staff and assist the Westminster International University in Tashkent in the development of the English language teaching.

**Principal accountabilities**

- To develop the Assessment of Written Academic Literacy (AWAL) in the new international university context.
- To teach the modules in the English for Academic Purposes programme on the International Foundation programme and at higher levels.
- To develop, evaluate and refine the current module syllabi and their assessment.
- Establish and develop materials and resources for students studying English for Academic Purposes, for example Intranet self-access material, published software, module assessment and teaching materials.
- Deliver staff development sessions on issues related to all of the above.
- Work with teaching staff, management, marketing and admissions across the university in order to continue to develop and continually improve knowledge of students and institutional needs related to WAL.
- Represent the University externally via research, papers and membership of organizations.

**Requirements for Candidates**

- Appropriate postgraduate qualification, ideally an MA in Applied Linguistics/TESOL/Linguistics.
- A minimum of 5 years teaching experience which must include recent and significant experience of EAP/Academic Literacy in a University context.
- Knowledge of relevant current published teaching materials including computer software.
- Clear evidence of relevant research skills, interests and ideas.
- Experience of course management and development.
- Experience of materials, exam and assessment production and delivery.
- Strong ability to work well as a team member and use one's own initiative.
- Cross-cultural sensitivity.
- Good administration and computer skills.
- A committed, innovative and professional approach.
- Good interpersonal and communication skills

| | SENIOR LECTURERS *in areas:* |
|---|---|
| Ref.: SFS101 | Business Administration & Human Resources |
| Ref.: SFS102 | Business Administration & Marketing |
| Ref.: SFS103 | Business Administration & Quantitative Methods |
| Ref.: SFS104 | Business Economics and/or Strategy |
| Ref.: SFS105 | Finance and Accounting |
| Ref.: SFS106 | Economics |
| Ref.: SFS201 | Software Engineering |
| Ref.: SFS202 | Databases |
| Ref.: SFS301 | Law |

| | LECTURERS *in areas:* |
|---|---|
| Ref.: JFS101 | Business Administration & Human Resources |
| Ref.: JFS102 | Business Administration & Marketing |
| Ref.: JFS103 | Business Administration & Quantitative Methods |
| Ref.: JFS104 | Business Economics and/or Strategy |
| Ref.: JFS105 | Finance and Accounting |
| Ref.: JFS106 | Economics |
| Ref.: JFS201 | Software Engineering |
| Ref.: JFS202 | Databases |
| Ref.: JFS301 | Law |

**Purpose**

To play a key role in the delivery of relevant modules, work collaboratively with University of Westminster staff and assist the Westminster International University in Tashkent in the development of the specialisation area.

**Principal accountabilities**

- To undertake contact teaching, course administration and associated activities on Westminster International University in Tashkent educational programmes.
- To assist in the development of the curriculum in the specialization.
- To provide support and guidance to visiting lecturers working in the specialization field.
- To act as a Module Leader on certain modules.
- To help the Westminster International University in Tashkent in the development of appropriate subject web pages.
- To develop new teaching and assessment material within the given area.
- To undertake personal and professional development through research and other appropriate activities.
- To undertake other duties at a similar level of responsibility and challenge as and when required.

**Requirements for Candidates**

- Excellent level of English both spoken and written
- Good first degree
- Postgraduate research qualification and/or postgraduate research experience desirable
- Effective teaching skills in higher education
- Evidence of good teaching ability
- Extensive foreign exposure
- Experience in business, IT etc
- Openness to new methods
- Evidence of research and scholarly activity in subject areas
- Good interpersonal and communication skills
- Experience as a practitioner in Business, IT and Law would be advantageous

**Closing date for applications is 31 of May, 2002.**

***Application forms can be obtained from and should be submitted in the sealed envelope to:***
***Westminster International University in Tashkent 24, A. Kayumov Street, Tashkent, 700000 Uzbekistan***
***Tel.: +(99871) - 133 26 25, 132 14 84, 137 12 80, 137 12 82; Fax: +(99871) – 137 12 83 or send to: e-mail: admin@wiut.uz***

**Please be sure to quote the job title and reference number on the envelope.**
**Only short-listed candidates will be invited for interviews.**

5797/1018

# Илм ва шифо маскани

## Ватанимиз сиҳатгоҳлари

Таниш беморни ҳовлида кутиб ўтиргандим. Мен томонга секин юриб келаётган аёлга кўзим тушди. Ҳойнаҳой, беморлардан шекилли дедим-у, унга ўрин бўшатиб, ўзим скамейканинг иккинчи томонига суриллим. У ёнимга ўтирди.

— Даволангани келдингизми? — оёғини авайлаб босаётганлигини кўриб сўрадим ундан.

— Чап сон суягим бўйинчасига сохта бўғим, яъни эндопротез қўйишган, — деди аёл. — Энди, мана, юра бошладим.

Скамейкада ўтирган бошқа аёл ҳам суҳбатимизга қўшилди.

— Бу ерга келтиришганда умидсиз аҳволда, тўшакка михланиб қолган эдим, — дейди ўзини Мирзо Улуғбек туманидан деб таништирган Дилором Отаметова. — Бу ердаги муваффақиятли операциядан кейин олдин қандай бўлсам, худди шундай юриб кетдим. Институтда яратилган шарт-шароитлар, врачлар касб-маҳоратининг юқорилигидан мамнунман. Бугун ҳам кўрикдан ўтиш учун келганман...

Кўплаб беморлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти «Таклиф ва истаклар» дафтарига бундай миннатдорчиликларни ёзма ҳолда қолдирганлигининг гувоҳи бўласиз.

Институт Марказий Осиё минтақасида таянч ҳаракат аъзолари шикастлари ҳамда касалликларини даволашга ихтисослашган йирик илмий даволаш маркази, соҳа мутахассисларининг услубий-ўқув даргоҳи ҳам ҳисобланади. Унинг клиникасида бир йўла 200 нафар бемор даволаниши учун барча шароит яратилган. Бугун қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан ҳам келаётган беморларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу ҳол институт жамоасига бўлган ишончдан далолат. Чунки, тиббиётда «тан олишлик», эл эътирофи — синовлар, амалиётлар жараёнида пайдо бўладиган нурли натижа. Биргина тез ёрдам қабул бўлимида йилига 20 минг нафардан ортиқ турли-туман шикаст олган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маслаҳат поликлиникасида эса 30 минг нафарга яқин киши соғломлаштириш кўригидан ўтказилади.

Айни дамда жамоада 60 нафардан зиёд малакали травматолог, ортопед, шу жумладан, 10 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзоди меҳнатининг натижасида йилига 5 минг атрофида бемор катта-кичик жарроҳлик операциялари орқали ўз дардларига малҳам топаяпти. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилиш тўғрисидаги Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида институтда кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Институтда халқаро алоқалар ривожлантирилмоқда, АҚШнинг Детройт-медикал маркази билан ҳамкорликда илмий-ахборот ва телемедицина маслаҳат маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ ёрдамида оғир беморларни АҚШ мутахассислари ёрдамида ташхис қўйиб даволаш муолажалари олиб борилади ҳамда травматология ва ортопедия илмининг хориждаги энг янги ютуқлари билан бевосита танишиш имкони яратилган.

XXI асрни янги-янги илмий тадқиқотларсиз тасаввур этиш мушкул. Институтда соҳа йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий ишлар диққатга сазовор. Тизза бўғими тоғай қисмининг емирилишида киндик тўқимаси ёрдамида пластика қилиш бўйича янги усул яратилиб, амалиётга татбиқ этилиши арафасида. Айниқса, тиббиётда кўп учрайдиган аралаш жароҳатлар пайтида организмда юз берадиган иммун ва биохимик ўзгаришларни ўрганиш ва бу ўзгаришларни тез бартараф этиш бўйича даволаш усуллари ҳам соғлиқни сақлаш тизимига таклиф этилаяпти.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

QUICK STOP
GROUP OF COS.

НАМБУМ

**«QUICK STOP PAPER MILL»**
**«НАМБУМ» ЛТД .ҚК**

***юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.***
***Ҳар бир бoғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар:***
***А-3 — 8400 сўм,***
***А-4 — 4200 сўм.***

**Манзиллар:**
Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.

**Омбор манзили:**
Тошкент шаҳри, Проектная кўчаси, 44.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.

5752/926

ҲИКМАТ

*Киши яхшилиги ишидан маълум,*
*Яхши йил баҳору қишидан маълум.*

Санъат гунчалари

# ПАРИЖДАГИ ҒАЛАБА

Славян мусиқа консерваториясида Халқаро ёш пианино ижрочиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Франция, Италия, АҚШ, Литва, Грузия, Россия ва бошқа давлатлардан 250 дан ортиқ ижрочилар 6 та гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашдилар. Ўзбекистонлик 4 нафар ёш истеъдод эгалари ҳам ушбу рўйхатдан жой олган. Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида таҳсил олаётган 4-синф ўқувчиси Навфал Муқимий билан 7-синф ўқувчиси Нафис Умерқулова Гран При соҳиблари бўлишди. 3-синф ўқувчиси Барчиной Кароматова эса 1-ўрин совриндори бўлди. 8-синф ўқувчиси Васила Умарова фахрли 2-ўринни эгаллади.



Совриндорларнинг Гала концертида париждлик мусиқа шинавандалари, танлов иштирокчилари ҳамда мураббийлари яна бир бор ўзбекистонлик ёш ижрочилар маҳоратини қарсаклар билан олқишладилар. Ҳайъат аъзолари уларга Ёрлиқ ва совринлар топширар эканлар, келажакда бўлиб ўтадиган танловларда қатнашишлари учун тавсиялар беришди, етук мусиқачи бўлишларига ишонч билдирдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу танловда Марказий Осиё ҳудуди бўйича фақат Ўзбекистондан ижрочилар қатнашиш имкониятини яратган ва ҳомийлик қилган ташкилотларнинг роли бениҳоя каттадир. Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Сорос фонди, Nayton Ink — Америка компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «COSKOM» компанияси, «BREFAK LTD» француз фирмаси, «HYUNDAI MOTORS C. O» шунингдек, «Бизнес банк», «Турон банк», «Amro банк» раҳбарияти томонидан ёшларимизнинг қўллаб-қувватланиши Ўзбекистонимиз нуфузини яна бир поғонага кўтарди.

**С. ЖЎРАЕВА.**

Спорт



# Бешта жавобсиз тўп

Ўтган шанба ва якшанба кунлари футбол бўйича мамлакат ўн биринчи миллий чемпионатининг 10-тур баҳслари ниҳоясига етди. Саккизта учрашувда дарвозалар 32 марта аниқ нишонга олинди. Шундан 19 таси меҳмонлар ва қолган 13 та гол эса мезбонлар дарвозасига киритилди.

Турнир жадвалида якка карвонбоши бўлиб турган "Пахтакор" ўз майдонида "Андижон"га қарши тўп сурди. Ва олдиндан башорат қилинганидек, 5:0 ҳисобидаги йирик ғалабани қўлга киритди. Тўплар Сервер Жепаров (пенальтидан), Леонид Кошелев (учта) ва иккинчи бўлимда майдонга тушган Зайниддин Тожиев томонидан йўлланди.

Яна бир қизиқарли беллашув Наманганда бўлиб ўтди. "Металлург"ни қабул қилган "Навбаҳор" қимматли икки очкони йўқотди, десак бўлади. Мезбонлар ҳужумчиси Шуҳрат Мирҳолдиршоевнинг иккита голига меҳмонлар вакили Владимир Баранов шунча жавоб қайтарди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Машъал"-"Қизилқум" 3:6, "Зарафшон"-"Қўқон-1912" 3:0, "Сўғдиёна"-"Насаф" 1:3, "Бухоро"-"Дўстлик" 2:1, "Самарқанд"-"Сурхон" 2:0, "Трактор"-"Нефтчи" 1:1.

Мухлисларга шуни эслатиб ўтамизки, "Универсиада-2002" мусобақалари ўтказилиши муносабати билан 1 июнга белгиланган 11-тур баҳслари бошқа кунга кўчирилиши мумкин.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим муассасалари талабаларининг «Баркамол авлод» шиори остида кураш, шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича мусобақалари ўтказилди.***

# Диний таълим талабалари баҳси

Тадбирни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Р.Юнусов очиб, мусобақа қатнашчиларига омад ва зафарлар тилади. Дин ишлари бўйича қўмитанинг биринчи ўринбосари Ш.Минавваров диний таълим тизимида спорт-соғломлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани ҳақида гапириб, талабаларга ватанимизнинг ҳар томонлама етук, комил инсонлари бўлиб етишишларида муваффақиятлар тилади.

Мазкур спорт байрамида республикада фаолият кўрсатаётган Тошкент ислом институти ва 10 та мадрасадан жами 45 нафар талаба иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти вакиллари эгаллаган бўлса, кейинги совринли ўринлар Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасаси ва Қашқадарё вилоятидаги «Хўжа Бухорий» ислом ўрта билим юрти талабаларига насиб этди.

Ғолиблар Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

**Ортиқбек ЮСУПОВ.**

*БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

*кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириб, АҚШ экспорт-импорт банкининг кредит йўналиши доирасида Америка компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини яратади.*

*Янги технологиялар ва ускуналарни харид қилиш, АҚШ компаниялари билан имзоланган шартномалар бўйича хизматлар кўрсатиш учун 5 млн.АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредитлар берилади.*

*Сизнинг бизнесингиз ривожланишидан биз манфаатдормиз ва мутахассисларимиз ҳамда америкалик маслаҳатчиларнинг лойиҳаларни молиялаш соҳасидаги тажрибаларини сизга таклиф этиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефонлар: (+998 71) 137-59-15, 137-62-73, 137-62-75, 137-59-47, 137-63-48.
www.nbu.com

5747/897

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

**«АСАКА» БАНКИ**

**даромадларингизни ошириш ва омонатларингизни ҳимоя қилиш мақсадида сизга қуйидагиларни таклиф қилади:**

**1) қайта кўриб чиқилган юқори фоиз устамали омонатлар:**

| | | |
|---|---|---|
| ***«ТАБАССУМ»*** *(муддати камида 45 кун)* | — | *45 кун учун* ***6%*** |
| ***«ОРЗУ»*** *(уч ойдан кам бўлмаган муддатга)* | — | *ҳар ойда* ***3,5%*** |
| ***Муддатли:*** | | |
| **- 6 ойдан 1 йилгача** | — | йилига **35%** |
| **- 1 йилдан 3 йилгача** | — | йилига **42%** |

2) I. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА — *ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига* ***3 %*** *кўчириш билан амалга оширилади, қолдиқнинг энг кам миқдори 300 АҚШ доллари.*

II. МУДДАТЛИ:
1) БИР ЙИЛГАЧА — камида 5000 АҚШ доллари — ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига **6%** кўчириш билан амалга оширилади;
2) БИР ЙИЛДАН ИККИ ЙИЛГАЧА:
- 5000дан 10000 АҚШ долларигача — йилига **7%**
- 10000 АҚШ доллари ва ундан юқори — йилига **8%**
ҳар ярим йилда тўлаб борилади.

**3) Депозит пластик карточкалар ҳар ойда қолдиққа 3%дан қўшиб бориш билан йилига 42,6%гача.**
**4) Фоиз тўловини омонатлар валютасида бериш.**

*ПУЛЛАРИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ИСТАГАН ПАЙТИНГИЗДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.*
*«АСАКА» БАНКИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТЎЛА КАФОЛАТЛАЙДИ.*

***Бундан ташқари, «Асака» банки:***
*- «AMERICAN EXPRESS» йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади;*
*- депозитар ячейкаларни қимматбаҳо нарсаларни сақлаш учун ижарага беради.*

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92.**
**Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67.**
**Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.**

5735/161

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА
**ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ**
D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.
*Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.*
Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.
5629/742

**САВОЛ БИЗДАН...**

**R ҳарфи ёзилган байроқ қайси давлатга тегишли?**

*Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:*
Хитой

136-35-60







## Жони темирдан экан

Саккиз жойи синган бўлишига қарамай, парашютчи Ҳасан Омеровичнинг омади келди, деса бўлади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, 2500 метр баландликдан очилмай қолган парашютда секундига 20 метр тезликда ерга тушиб, тирик қолишнинг ўзи бўладими? Яна шуниси қизиқки, Омерович соғлиғини тиклаб олгач, тағин ўша спорт тури билан шуғуллана бошлаган.

PARVINA

**«ПАРВИНА-М» ФИРМАСИ**

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

*МУЗҚАЙМОҚЛАР:*
***30 хилдаги музқаймоқлар, 15 хил эскимо, 6 хил брикетли, 6 турдаги вафлилик стаканчалар,***
*ШАКАР-ҚИЁМ* ***(глазурь):***
***шоколадли, цитрусли, мевали ва сутли,***
*«ПАРВИНА» ПЛИТКАЛИ ШОКОЛАДЛАР,*
***шунингдек, кенг турдаги***
*СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ:*
***творог, сметана, эритилган пишлоқлар, қадоқланган ва қадоқланмаган сарёғ ва колбасали пишлоқ.***

***Тўлов шакли — турлича!***

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТРАНСПОРТИДА ЕТКАЗИЛИШИ МУМКИН.
***НАРХЛАР ЖУДА АРЗОН!***

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 6-уй.**
**Телефонлар: (3663) 33-77-83, 31-07-01, факс: (3662) 33-02-82.**
**e-mail: parvina@online.ru**
**Тошкентдаги телефон: 173-26-13.**
5741/874

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси қўмита аъзоси У. Мирзақуловга онаси
**МАРОФАТХОН аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодировга падари бузруквори
**ҲАМИД отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитхон Ҳамидович Қодировга падари бузруквори
**ҲАМИД отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси университетнинг маънавий-маърифий ва гуманитар таълим бўйича биринчи проректори, профессор Раҳбархон Муртазаевага отаси
**Ҳамид ҚОДИРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи жамоаси музейнинг собиқ илмий ходими, филология фанлари номзоди
**Ҳабиба ҚУРБОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари
**Абдубаннон АҲМЕДОВнинг**
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 477,
36516 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М. НОСИРОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди --20.30*
1 2 3 4 5 6